



359 - сонли

2009 йил 29 декабрь

Тошкент шаҳри

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДЦА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ-ТЕХНИК КЕНГАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎГРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги, “Радиациявий ҳавфсизлик тўғрисида”ги, “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги ПҚ 436-сонли “Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 апрелдаги 143-сонли, “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги, 1997 йил 23 декабрдаги 558-сонли “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида”ги, 1998 йил 7 октябрдаги 427-сонли “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида”ги қарорлари талабларини бажариш ҳамда фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқий-меъёрий хужжатларни такомиллаштириш, ўқув-услубий қўлланмалар, кўргазмали материаллар ва соҳавий адабиётларни замон талаблари асосида ишлаб чиқиш, уларнинг сифатини назорат қилиш мақсадида,

БУЮРАМАН:

- “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хузуридаги илмий-техник Кенгаш тўғрисидаги Низом” 1-иловага;
- “Илмий-техник Кенгаштаркибирўйхати” 2-иловага;
- “Кенгаш йўналишлари бўйича секцияларга кирувчи ташкилотлар рўйхати” 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник Кенгаши раисига:

Кенгаш фаолиятини ташкил этиш ушбу буйруқ ва низомда белгиланган тартибда амалга оширилсин;

вазирлик бош бошқарма, бошқармалар, таркибий тузилмалар ҳамда Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармалари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаларнинг долзарбилиги ва сифатига алоҳида эътибор берилсин;

илмий-техник Кенгашнинг йил яқунидаги йиғилишида энг сифатли ва долзарб лойиҳаларни тақдим этган вазирлик, идора ҳамда вазирлик таркибий тузилмаларидағи лойиҳа муаллифлари ҳамда Кенгаш ишида фаол қатнашган ходимлар аниқланиб, уларни белгиланган тартибда тақдирлаш учун таклифлар киритилсин;

Кенгашга тақдим этилган лойиҳаларнинг Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг ҳудудий ва функционал қуи тизимлари ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимиға тадбиқ этилиши юзасидан назорат олиб борилиши ташкил этилсин.

3. Вазирлик бош бошқарма, бошқармалар, таркибий тузилмалар ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармалари бошлиқлари (командирлари)га:

вазирлик ваколати доирасида ҳамда фуқаро муҳофазаси йуналишида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштириш бўйича таклифлар борилиши таъминлансан;

фуқаро муҳофазаси йуналиши бўйича аҳолини ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар самарасини ошириш ва такомиллаштириш, юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикасини ташкил этиш буйича ишлаб чиқилган ўқув-услубий ҳамда кўргазмали ўқув қуроллари, адабиётлар, меъёрий-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари белгиланган тартибда Кенгашга кўриб чиқиш учун тақдим этилсан ва уларга етук мутахассислар томонидан рецензия (тақриз) олиниши қатъий белгилаб қўйилсан;

илмий-техник Кенгаш томонидан тасдиқланган услубий қўлланмалар ва бошқа илмий ишларни амалиётга тадбиқ этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширилиши таъминлансан.

4. Вазирлик Аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бошқармаси, Матбуот хизмати Кенгашнинг ижобий хулосалари олинган ишлар урнатилган тартибда кўриб чиқилиб, "Муҳофаза+" журналида чоп этиб борилиши таъминлансан.

5. Фавқулодда вазиятлар вазирининг 2005 йил 21 сентябрдаги 122-сонли "Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги илмий-техник Кенгаши Низомини тасдиқлаш ва фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи ўз кучини йуқотган деб ҳисоблансан.

6. Буйруқ Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник
Кенгаш аъзолари ва вазирликнинг барча шахсий таркибига етказилсин.

7. Ушбу буйрукнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи
ўринбосари - Бош штаб бошлиғи зиммасига юклатилсин.

ВАЗИР
генерал-майор



К. АХМЕДОВ

Ўзбекистон Республикаси
Фавқулодда вазиятлар вазирининг
2009 йил «29» декабрдаги
359-сонли бўйруғига 1-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ-ТЕХНИК КЕНГАШ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (кейинги ўринларда - вазирлик деб номланади) хузуридаги илмий-техник Кенгаш (кейинги ўринларда - Кенгаш деб номланади) доимий фаолият кўрсатувчи орган хисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген ҳусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги, “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги, “Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги ПҚ-436-сонли “Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 11 апрелдаги 143-сонли “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги, 1997 йил 23 декабрдаги 558-сонли “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва харакат қилиш давлат тизими тўғрисида”ги ва 1998 йил 7 октябрдаги 427-сонли “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ вазирлик ваколатига кирувчи вазифалардан келиб чиқувчи мухим, долзарб муаммоларга доир хуқукий-меъёрий хужжатлар, ўқув-услубий қўлланмалар, соҳавий адабиётлар ва кўргазмали материалларни кўриб чиқиш, хulosалар бериш ҳамда уларнинг амалиётга татбиқ этилишини назорат қилиш мақсадида ташкил этилади.

1.2. Кенгаш вазирлик, унинг таркибий ва худудий тузилмалари, республиканинг тегишли вазирлик, идора, илмий-тадқиқот институтлари ва бирлашмалари мутахассислари таркибидан ташкил этилади. Кенгаш Низоми ва унинг таркибини тасдиқдаш ҳамда ўзгартиришлар киритиш Фавқулодда вазиятлар вазири бўйруғи билан амалга оширилади.

1.3. Долзарб муаммолар бўйича Кенгаш қарорларининг амалиётга татбиқ этилиши вазирлик Хайъатида муҳокама этилади.

II. КЕНГАШНИНГ ТАРКИБИ ВА ТУЗИЛИШИ

2.1. Кенгашнинг ишчи органи Ҳайат, секциялар ва котибият хисобланади.

2.2. Кенгаш Раиси, Кенгаш Раиси ўринбосари, секция раҳбарлари, Кенгаш котиби киради.

2.3. Кенгаш фаолиятининг мунтазам ва самарали бўлишини таъминлаш мақсадида унинг таркибида йўналишлар бўйича секциялар тузилиб, Кенгаш йиғилиши баёни билан тасдиқланади. Мазкур секциялар турлари (номи), сони ва унинг таркиби эҳтиёж асосида ўзгариши мумкин. Хар бир секциянинг раҳбари ва унинг таркиби (Кенгаш таркибидан ёки эҳтиёжга қараб белгиланган тартибда бошқа мутахассислар) Кенгаш йиғилишининг баёни билан тасдиқланади. Секция раҳбари бир вақтнинг ўзида Кенгаш Раисининг ўринбосари ва Кенгаш аъзоси бўлиши мумкин.

2.4. Кенгаш доимий аппаратининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири томонидан белгиланади.

III. КЕНГАШ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва фармойишлари, Фавқулодда вазиятлар вазирининг буйруқлари, вазирлик Ҳайъат мажлиси қарорлари ва мазкур Низом ҳамда Кенгаш Раиси томонидан тасдиқланадиган режа асосида ташкил этади.

3.2. Кенгаш Раиси белгиланган тартибда Кенгаш иш фаолиятига раҳбарлик қиласи ва унга юклатилган вазифаларнинг бажарилишига масъул хисобланади.

Кенгаш раиси бўлмагандага унинг функцияларини ўринбосари вазирлик Ахоли ва худудларни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиги бажаради.

3.3. Кенгаш иши коллегияллик тамойиллари асосида хар томонлама муҳокама қилиш, ўзаро фикр алмашиш, соҳага оид масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар илм-фанидаги ютуқларни хисобга олган холда, жамоатчилик асосида хамкорликда иш олиб боришга жалб этилган илмий ходимлар ва мутахассисларнинг илмий-назарий ва амалий билимлари асосида олиб борилади.

3.4. Кенгаш фаолиятини режа асосида ташкил этиш, йиғилишлар ўтказилишини назорат қилиш ва белгиланган тартибда расмийлаштириш Кенгаш котибининг зиммасига юклатилади.

3.5. Кенгаш қарорлари очик овоз бериш йўли билан Кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисмининг овози билан қабул қилинади.

3.6. Кенгаш томонидан кўриб чиқишга қабул қилинган мақсадли ва илмий-техник дастурларни амалиётга татбиқ этиш мақсадида Кенгаш ўз ваколати доирасида вазирлик раҳбариятига белгиланган тартибда таклифлар киритади.

3.7. Кенгаш вазирлик фаолиятига тегишли бўлган илмий-техник ва грант асосида амалга ошириладиган тадбирларни муҳокама этади ва белгиланган тартибда таклифлар тайёрлайди.

3.8. Кенгаш фаолиятида заруриятга кўра, бошқа ташкилотларнинг фан ва техника соҳалари бўйича малакали мутахассислари илмий эксперталар сифатида жалб этилишлари мумкин.

3.9. Кенгаш фаолиятини қайтадан ташкил этиш ёки фаолиятини тугатиш Фавқулодда вазиятлар вазирининг қарори асосида амалга оширилади.

IV. КЕНГАШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

4.1. Кенгаш ўз фаолиятида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

Табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларнинг профилактикасини амалга ошириш, фавқулодда вазиятлар содир бўлганда республика аҳолиси ва худудларини муҳофаза қилиш. Иқтисодиёт объектлари фаолиятининг барқарорлигини оширишга қаратилган мақсадли илмий-техник дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши ва кўриб чиқилиши учун белгиланган тартибда вазирлик раҳбариятига таклифлар киритиш;

Аҳолини юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиши мақсадида ишлаб чиқилган ўқув-услубий қўлланмалар, адабиётлар, тавсиялар, меъёрий ҳужжатлар, маъruzалар ва кўргазмали материаллар лойиҳаларини белгиланган тартибда кўриб чиқиши, қайта ишлаш ва амалиётга татбиқ этиши учун вазирлик раҳбариятига таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш Давлат тизими фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ҳукуқий-меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиши ва белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

илмий-техник Кенгashi томонидан тасдиқланган ишлаб чиқилган ўқув-услубий қўлланмалар, адабиётлар, тавсиялар, меъёрий ҳужжатларнинг амалиётга татбиқ этилишини текшириш ва назоратга олиш.

4.2. Кенгаш ўз зиммасига юклатилган вазифалар доирасида қуйидаги асосий функсияларни бажаради:

аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича устувор йўналишлардаги илмий-тадқиқотларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасига бнлгиланган тартибда тавсияларни тайёрлаш ва тақдим этиш;

замонавий техника ва жихозларни ишлаб чиқиш, сотиб олиш, уларни қўллаш бўйича эксперт баҳолаш хulosаларини тайёрлаш;

аниқ мақсадли йўналишдаги илмий изланишлар бўйича бажарилган ҳисоботларни муҳокама қилиш, тугалланган ишлар, шу жумладан, фуқаро муҳофазаси йўналишида бажарилган ишларга хulosалар ҳамда уларни татбиқ этиш бўйича илмий-амалий тавсиялар бериш;

вазирлик фаолиятига боғлиқ муаммоларни эчишда фойдаланиши мумкин бўлган чет эл сафарларининг (илмий сафарлари) ҳисоботларини (илмий-техник ҳисоботлар) кўриб чиқиш ва таклифлар тайёрлаш;

вазирлик ваколати доирасида ўқув-услубий адабиётлар, меъёрий хужжатлар, маъruzalар, муаммолар бўйича мақолалар материалларини (шу жумладан, Бошқа ташкилотлар томонидан тайёрланган) экспертизадан ўтказиш, улардан фойдаланиш ва нашр этиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хulosалар тайёрлаш;

кенгаш ўз олдига қўйилган вазифаларни муҳокама этиш мақсадида ҳар чоракнинг 10 куни ичida йиғилиш ўтказади, зарурият туфайли истисно тариқасида. Бошқа муддатларда ҳам ўтказилиши мумкин.

V. КЕНГАШ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Кенгаш йиғилиши Кенгаш таркиби (Кенгаш раиси, унинг ўринbosари ва Кенгаш аъзолари) йиғилишнинг ўтказиладиган жойи, вақтини кўрсатиб, ёзма равишда олдиндан (йиғилиш кунидан 5 кун аввал) таклиф этилганликлари тўғрисида хабар берилган ҳолда иш вақтида ўтказилади.

5.2. Вазирлик бош бошқарма, бошқармалар, таркибий тузилмалар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармалари бошлиқлари (командирлари) ҳамда вазирликлар, идоралар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари Кенгаш аъзоларининг фаол ишлашлари учун шароит яратишлари лозим.

5.3. Кенгаш таркиби аъзоси йиғилишда бирор сабаб билан иштирок эта олмаса, бу ҳақида Кенгаш Ҳайъатига олдиндан хабар бериши керак.

5.4. Кенгаш таркиби аъзоси кўрилаётган иш тўғрисида ўз фикрларини асослантирилган ҳолда баён этиш ҳуқуқига эга бўлиб, белгиланган тартибда ваколати доирасида ҳар бир ишга ёзма хулоса бериши шарт.

Кенгаш аъзоси кўриб чиқилган масалаларни муҳокама қилиш, Кенгаш иш режасини тузишда қатнашиш, Кенгаш йиғилишини тайёрлаш, хужжатлар билан яқиндан танишиш, ўз фикр-мулоҳазаларини киритиш,

Кенгаш ишида ҳал қилувчи овоз бериш ҳуқуқидқн тўла фойдаланиш, эътиroz ва танбеҳлар бўлганда ўзининг алоҳида фикрини баён этиш, Кенгаш таркибининг ҳар бир аъзоси алоҳида ёки гурӯҳ бўлиб Кенгаш ваколати доирасидаги масалалар бўйича лойиҳаларни муҳокамага киритиш ҳуқуқига эга.

5.5. Кенгаш котиби:

Кенгаш йиғилиши ҳужжатлари, иш режаларини тайёрлашни амалга оширади, Кенгаш иш режаси ва қарорларини бажарилишини назорат қиласди ҳамда натижалари бўйича Кенгаш раисига маълумот тайёрлайди;

Кенгаш раисининг топшириғига кўра, ўз ваколати доирасида манфаатдор ташкилотлар билан ёзишмаларни амалга оширади;

Кенгаш фаолиятининг самарадорлигини ошириш, иш усули ва услубини такомиллаштириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқади;

Кенгашнинг йиллик фаолияти бўйича ҳисобот тайёрлайди.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Аҳоли ва худудларни муҳофаза қилиш бошқармаси

Ўзбекистон Республикаси
Фавқулодда вазиятлар вазирининг
2009 йил «29» декабрдаги
359-сонли бўйругига 2-илова

Илмий техник Кенгаш таркиби РЎЙХАТИ

- Кенгаш раиси: Фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринbosари.
- Кенгаш раиси Фанлар Академияси сейсмология институти ўринbosари. директори.
- Кенгаш котиби: Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Аҳолини ва худудларни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи.
- Кенгаш аъзолари: Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Кадрлар ва тарбиявий ишлар бошқармаси бошлиғи;
- Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти бошлиғи;
- Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Радиатсион, кимёвий ва биологик (бактериологик) муҳофаза бошқарув Маркази бошлиғи;
- Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Авария – қутқарув кучлари бошқармаси бошлиғи;
- Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Алоқа ва ахборотлаштириш бошқармаси бошлиғи;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари – штаб бошлиғи-геология-минералогия фанлари номзоди;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги АваҲМҚБ бош мутахассиси – геология-минералогия фанлари номзоди;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ФМ институти илмий тадқиқот ва нашриёт бўлимни бошлиғи – педагогика фанлари номзоди;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ФМ институти катта ўқитувчиси – техника фанлари номзоди;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ФМ институти катта ўқитувчиси – кимё фанлари номзоди;

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ФМ институти катта ўқитувчиси – иқтисодиёт фанлари номзоди;

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, аналитик назоратга ихтисослашган давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосари;

Геология ва минерал ресурсларДавлат қўмитаси, хавфли геологик жараёнларни кузатиш хизмати бошлиғи;

“Узкимёсаноат” ДАК, техник сиёсати бошвармаси бошлиғи ўринбосари;

“Узавтойўл” ДАК Автомобил йўллари илмий текшириш институти директори ўринбосари;

“Ўзбекенерго” ДАК “Ўзелектртармоқ” УТ
бўлими бошлиғи;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология
хизмати маркази (Ўзгидромет), сув кадастр
ва метеорологик ўлчов бошқармаси бошлиғи
ўринбосари.

Ўзбекистон Республикаси
Фавқулодда вазиятлар вазирининг
2009 йил «29» декабрдаги
359-сонли буйруғига 3-илова

**Кенгаш йўналишлари бўйича секцияларга кирувчи ташкилотлар
РЎЙХАТИ**

Ташкилотлар номи	Лавозими
1	2
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институт бошлигининг ўқув-услубий ишлари бўйича ўринбосари
Фанлар академияси сейсмология институти	Сейсмология институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари
"Саноатконтехиазорат" Давлат инспекцияси	Кимё, металлургия ва нефт-газни кайта ишлаш саноатини назорат қилиш инспекцияси давлат нозири
Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	"Узсувтамирфойдаланиш" Республика бирлашмаси бўлим бошлиғи
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги	Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлигининг бўлим бошлиғи
Халқ таълими вазирлиги	Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш Бош бошқармаси бош назоратчиси
"Узбекнефтгаз" МХК	"Узбекнефтгаз" МХК бош мутахассиси
"Узкимёсаноат" ДАҚ	"Узкимёсаноат" ДАҚ, техник сиёсати бошқармаси бошлиғи ўринбосари
ФВВ Фавқулодда вазиятларда бошқарув маркази мониторинг ва башоратлаш хизмати	Фавқулодда вазиятларда бошқарув маркази мониторинг ва башоратлаш хизмати бошлиғи

Изоҳ, 1 . "Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хузуридаги илмий-техник Кенгаш тўғрисидаги Низом"нинг 2.3-бандига асосан “..... секциялар турлари (номи), сони ва унинг таркиби эҳтиёж асосида ўзгариши мумкин. Ҳар бир секциянинг раҳбари ва унинг таркиби (Кенгаш таркибидаи ёки эҳтиёжга қараб белгиланган тартибда бошқа мутахассислар) Кенгаш йигилишининг” баёни билан тасдиқланади. Секция раҳбари бир вақтнинг ўзида Кенгаш Раисининг ўринбосари ва Кенгаш аъзоси булиши мумкин”?

2. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимидан илмий-техник Кенгаш таркибига ва йўналишлар бўйича секциялар таркибидаги ходимларнинг хизмат жойлари ўзgartирилганда уларнинг ўрнига шу лавозимдаги ходимлар тўғридан-тўғри киритилади.